

# **МАВЗУ:**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФАОЛИЯТ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА  
(МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА)  
САРФЛАНАДИГАН ХАРАЖАТЛАР  
СМЕТАСИНИ ТУЗИШ**

# Ишнинг мақсади:

- корхона бўйича фаолият хавфсизлигини таъминлашга (меҳнат муҳофазасига) сарфланадиган харажатлар йиллик сметасини тузишни ўрганиш.

# Асосий маълумотлар

- Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил этиш учун биринчи навбатда меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича режали тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади.
- Бу режали тадбирлар Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тузилиши ва уни амалга ошириш учун зарур маблағлар билан таъминланиши зарур.
- Меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича бажариладиган барча ишлар бир йилга, беш йилга ва келажакка мўлжалланган комплекс режалар асосида амалга оширилади.

- Ўзбекистон Республикасининг “**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида**”ги қонунининг 11-моддасига асосан корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятидан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.
- Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига қаратиладиган фойдага солиқ солинмайди.
- Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин эмас.

# Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарори

➤ Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
**НИЗОМ**

## ➤ I. Умумий қоидалар

- 1. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини, мақсадли дастурларни ва ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади)ни ташкил этишга ҳақлидир.
- 2. Жамғарма мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган маблағларни жамлаш учун ташкилотнинг тегишли бошқарув органининг қарори асосида ташкил этилади.

## ➤ II. Жамғармани шакллантириш манбалари

### ➤ 3. Жамғарма маблағлари:

- ташкилотнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган фойдаси (даромади);
- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

- Меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича тузиладиган бир йиллик режада кўзда тутилган тадбирлар ташкилот маъмурияти билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномасида ўз ифодасини топади.
- Жамоа шартномаси лойиҳаси йил бошида ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокамага қўйилади ва у маъқуллангач ташкилот маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тасдиқланади.
- Меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича тузиладиган тадбирлар асосан қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши мумкин:
  - а) ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга;
  - б) ишлаб чиқаришда касалланишнинг олдини олишга;
  - в) меҳнат шароитларини яхшилашга;
  - г) меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитиш ҳамда тарғибот ишларини олиб боришга.
- Юқорида келтирилган тадбирлар мажмуи корxonанинг ишлаб чиқариш соҳасига боғлиқ ҳолда керакли қўшимчалар билан тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

# Корхона бўйича меҳнат муҳофазасига сарфланадиган харажатлар йиллик сметасини тузиш

- Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун режалаштирилган маблағларни қуйидаги тартибда тақсимлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:
  - ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун – 40 %;
  - ишлаб чиқаришда касалланишларнинг олдини олиш учун – 20 %;
  - меҳнат шароитларини яхшилаш учун – 30 %;
  - меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича ўқитиш ҳамда тарғибот ишларини олиб бориш учун – 8 %;
  - бошқа ишлар – 2 %.
- Корхона маъмурияти касаба уюшмаси қўмитаси ва юқори ташкилотларнинг розилиги билан сарфланадиган маблағларни бир гуруҳ тадбирларидан иккинчисига ўтказиши мумкин.



Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган харажатларнинг йиллик сметасини тузиш корxonанинг йиллик режасига ( $X_{m.y}$ , млн сўм) таянган ҳолда олиб борилади. Ишлаб чиқаришда, одатда, йиллик режанинг тахминан 17...20 % ни устама (накладной) харажатлар ( $X_u$ , млн сўм) ташкил этади, яъни:

$$X_u = (0,17 \dots 0,20) X_{m.y}, \quad (1)$$

Корxonалар томонидан меҳнатни муҳофаза қилишга ажратиладиган харажатларнинг ( $X_{mm.y}$ , млн сўм) йиллик сметаси устама харажатларининг 10 % ни ташкил этади, яъни

$$X_{mm.y} = 0,10 \cdot X_u, \quad (2)$$

Меҳнатни муҳофаза қилиш харажатлари сметасига қуйидагилар киради:

$$X_{mm.y} = B_x + K_x + M_{sh} + T_x + B_i, \quad (3)$$

бу ерда  $B_x$  – ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун, ( $X_{mm.y}$  нинг 40 %);

$K_x$  – ишлаб чиқаришда касалланишларнинг олдини олиш учун, ( $X_{mm.y}$  нинг 20 %);

$M_{sh}$  – меҳнат шароитларини яхшилаш учун, ( $X_{mm.y}$  нинг 30 %);

$T_x$  – меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитиш ҳамда тарғибот ишларини олиб бориш учун, ( $X_{mm.y}$  нинг 8 %);

$B_i$  – бошқа ишлар ( $X_{mm.y}$  нинг 2 %).

## 2. Корхона бўйича меҳнат муҳофазасига сарфланадиган харажатлар йиллик сметасини тузишга тоширик

Қуйидаги жадвалда вариантлар бўйича берилган миқдорларга асосан меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган харажатларнинг йиллик сметасини тузинг.

Жадвал

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган харажатларнинг  
йиллик сметасини тузишга дастлабки маълумотлар

Кўрсаткичлар	Вариантлар						
	1, 10 19	2, 9 18	3, 8 13	4, 7 21	5, 6 11	12, 16 20	14, 15 17
Корхонанинг йиллик режаси, ( $X_{т.у}$ , млн сўм)	800	520	755	850	900	450	650

### **3. Ишни бажариш тартиби:**

Ишнинг асосий маълумотлар қисмида келтирилган маълумотлар билан танишинг. Керакли маълумотларни ва ҳисоблаш формулаларини ёзиб олинг.

#### **1. Топшириқни бажариш тартиби:**

1.1. Топшириқ шартини ва жадвалдан ўз вариантингиз бўйича маълумотларни ёзиб олинг.


1.2. Ишнинг 2-бўлимида келтирилган (1), (2) ва (3) ифодалардан фойдаланиб топшириқни бажаринг.

1.3. Хулоса қилинг.

### **Назорат саволлари**

1. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар қанақа сабаблар натижасида юзага келади?
2. Бахтсиз ҳодисалар қанақа оқибатларга олиб келади?
3. Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилаш учун нима қилиш керак?
4. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 11-моддаси нимага бағишланган?
5. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ким билан келишилган ҳолда тузилиши керак?
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарори нима

# Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари кластерини тузинг



**Эътиборингиз учун раҳмат!**

